

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Юсупова Раъно Жохонгир қизи

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Мурожаатлар билан ишлаш
бошқармаси катта нозири.*

*Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети Тарих 3-
курс талабаси*

Аннотатсия: Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суверенитет тушунчаси. Давлат тилининг конституциявий мақоми, Ўзбекистон Республикаси халқи ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, референдум, Конституция ва қонун устуворлиги, қонунийлик принципи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция нормаларига мувофиқлиги, Ўзбекистон халқаро муносабатларидаги ўрни, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлик эътирофи, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилишнинг конституциявий нормалари. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, шунингдек халқаро қонун ҳужжатларида ўхшаш нормаларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг мослиги. Иқтисодий ривожлантириш бўйича давлатнинг янги мажбуриятлари, жамиятнинг бошқа иқтисодий негизлари, оила, ёшлар ва бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатлар, ёшлар сиёсати ва ОАВ фаолияти эркинликларини таъминлаш.

Калит сўзлар: Конституция, қонунийлик, принцип, ҳуқуқ, мажбурият, сиёсий, инсон, давлат, халқ, ёшлар.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади. Ҳар қандай демократик ислоҳатлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ. Қонун устуворлиги-бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.” таъкидлаб ўтган сўзлари заминида ҳақиқат мужассамдир. Конституция давлат ва жамият ҳуқуқий мафкураси ҳамда халқимизнинг конституциявий тамойилларини белигилаб қўйган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси тўғрисида”ги ЎРҚ-837-сон Қонунига кўра, Янги таҳрирдаги Конституциянинг янгиланган нормалар 65 фоизни ташкил этади. Бунда моддалар сони 128 тадан-155

тага ва нормалар сони 275 тадан-435 тага ошган бўлса, қонуннинг 65 фоизи халқ тақлифлари асосида янгиланган. Конституциядаги сўзларнинг лингвистик-контент таҳлилига кўра, “инсон” сўзи 35 маротаба, “давлат” 43 маротаба, “халқ” 70 маротаба ва “ёшлар” сўзи 6 маротаба ишлатилганлиги аниқланган.

Давлат суверенитети тушунчасига кўра давлат ҳокимиятининг мамлакат ичкарисида олийлиги ва давлат ташқи муносабатларда мустақиллигидир. Давлат фақат ҳақиқий расмий вакили сифатида халқ иродасини ифода эта олади ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини тўла ҳажмда таъминлаш имкониятига эга бўлади. Давлат суверенитети давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ҳеч кимнинг аралашувисиз ўзи белгилашини ифодалайди.

Ҳуқуқий давлат демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир. Қолаверса, қонунларнинг давлат ҳудудидаги устуворлиги, шахс ва давлатнинг ўзаро маъсуллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишидир. Давлатимизда Инсони ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробарга ошмоқда. Шунингдек, одил судлов соҳасига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Мисол қилиб, суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмас, ёки бўлмасам, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни сукут сақлаш ҳуқуқи берилган.

Давлатнинг ижтимоий соҳасидаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциявий нормаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бунда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ва фуқароларнинг олийгоҳларга давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқлари берилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Консититутцияси 1-моддасидаги ўзгаришга кўра, ижтимоий давлат модели Буюк Британия, Франция, Швеция, Италия, Бельгия, Дания, Финляндия, Германия, Португалия, Испания, Австрия, Греция, Япония, Индерландия, Швейцария ва АҚШ давлатилари хорижий тажрибалар асосида қўлланилмоқда.

Референдум фуқароларнинг муҳим масалалар юзасидан ўз хоҳиш иродсини намоён қилиши, халқ ҳокимиятчилиқнинг энг олий кўринишидир ва унда қабул қилинган қарор энг олий кучга эга бўлиб, барча шахслар учун мавқеидан қатъий назар, мажбурийдир ва бу Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонуни билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асоси, халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади ҳамда давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатини, шунингдек, давлатнинг ва халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV бобида белгилаб қўйилган.

Айрим ҳолатларда “ҳуқуқ” ва “эркинлик” тушунчалари биргаликда ишлатилади. Конституциянинг 27-моддасида “

ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши ҳамда қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади ва шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган бўлса, Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги 35-моддасида кўрсатиб ўтилганлигини мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Кундалик ҳаётимизда аксарият ҳолатларда мажбурият иборасини ишлатар эканмиз, унинг юридик ва юридик бўлмаган маънога эга эканлигини кўпчилик англаб етмайди. Юридик мажбурият асосан маълум шахслар иштирокида муайян ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Юридик мажбуриятга эга бўлмаган муносабатлар акчинча бўлиб, улар аксарият ҳолларда қариндош-уруғ, бир-бирига яқин шахслар ўртасида учраб туради.

Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини амалдаги Конституциянинг 65-моддасида белгилаб ўтилган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганлариде “Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.”. Яъни, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил рақишда танлашга ҳақли эканликлари белгилаб ўтилди ва ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат

ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши таъминланди. Монопол фаолияти эса қонун билан тартибга солинди. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур эканлиги қонун билан белгилаб қўйилган. Шунингдек, тадбиркорнинг эркин фаолияти ва хусусий мулк ҳимояси кучайтирилди. Мол-мулк суднинг қарорисиз маҳрум этилиши тақиқланди ва ишбилармонлик муҳити таъминлаш белгилаб қўйилди.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини тақиқлайди деб аввалги таҳрирдаги Конституциянинг 57-моддасига кўра Янги таҳрирдаги Конституциянинг 71-моддасига ўзгартириш киритилган.

Биз биламизки, аввалги таҳрирдаги Конституцияда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, у жамият ва давлатнинг муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Янги таҳрирдаги Конституциянинг XIV бобига бир қанча ўзгартиришлар киритилган. Мисол учун, 76-моддасининг иккинчи қисмига кўра, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланганлиги белгилаб ўтилган. Ёки бўлмасам, 77-моддасига кўра, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши ҳусусида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгиланган. Ҳамда ушбу боб янги 79-моддаси билан тўлдирилди. Ушбу янги моддага асосан, Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва қонунга мувофиқ иш олиб бориши бўйича ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлаш, ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгарликни белгилаш, Цензурага йўл қўймаслик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қонун билан белгилаб қўйилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги ПФ-67-сонли фармойишда таъкидлаб ўтилганидек, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан овоз бериш орқали қабул қилинган, халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топди.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади- ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси 30.05.2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси тўғрисида”ги ЎРҚ-837-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги 167-I-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги 265-II-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682 -сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конститутциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎРҚ-518- сон Қонуни.